

**Ўзбекистон Республикаси номидан  
Х У К М**

2022 йил август ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик этувчи судья: Р.Рахманов,

судья ёрдамчиси Ж.Шариповнинг суд мажлиси баённомаси юритувида, тарафлардан Миробод туман прокурори ёрдамчиси Ж.Козимов, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва унинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилувчи “Нуқуқіу Контseptсіуа” адвокатлик бюроси адвокати А.Пулатов, жабрланувчи Б.Аҳмедовнинг иштирокида, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга оид 1-1002-2204/489-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX

(XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX), 2002 йил 9 июль куни Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, миллати қозоқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, Беруний шаҳри, Шерозий кўчаси, 13-хонадонда яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2022 йил 14 июндан қамоқда сақланаётган, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми ва 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қўйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

Судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ўғрилиқ, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда қўлга киритиш мақсадида, 2022 йил 15 февраль куни соат 04:30ларда, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 38а-уйда жойлашган “Premium Coffe Shevchenko” номли кафеда бўла туриб, кафеда вақтинча иш ўрганувчи ишчи эканлигидан фойдаланиб, кафеда бўлган сейфни калитини олиб, сейфни очиб, ташкилотга тегишли бўлган сейфдаги 6.985.000 сўмни ва Б.Аҳмедовга тегишли бўлган бир дона баҳоси 1.500.000 сўмлик “Ridme 4A” русумли телефон аппаратини яширин равишда ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган.

Бундан ташқари, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ўғрилиқ, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда такроран қўлга киритиш мақсадида, 2022 йил 12 июнь куни соат



11:00 ларда, Чилонзор тумани, 18-мавзе, 3<sup>А</sup>-уйда жойлашган “Марварид” кафесида официант сифатида ишлаб келаётганидан фойдаланиб, кафенинг ошхонасида бўла туриб, Ш.Назарова томонидан қаровсиз қолдирилган унга тегишли бўлган қора рангли сўмқасининг ичидан 1.650.000 сўм миқдордаги пулларни яширин равишда ўғирлаб воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб қўйдагиларни, яъни 2022 йил февраль ойининг бошида мен мен Миробод тумани, Т.Шевченко кўчасида жойлашган “Premium Coffe Shevchenko” номли кафесига ишга кирганлигини, ишга киришида ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжат сўрашганлигини, ҳужжатини бир-икки кунда олиб келиб беришини айтганлигини, яшаш жойи бўлмаганлиги сабабли кафеда ётиб қолганлигини, 2022 йил 15 февраль куни кафеда тунаб қолганлигини, кечаси соат 01:30 ларда кафе кўриқчиси ухлаганлигини, барнинг олдида бўлган кассанинг олдидаги куттичадан касса калитларини олганлигини, кассанни очиб, 2.500.000 сўм ва “Ridme 4” русумли телефон аппаратини олиб кетганлигини, сўнгра 2022 йил 12 июнь куни Чилонзор тумани 18-мавзеси 3-а-уй манзилида жойлашган “Марварид” кафесига ишга жойлашганлигини, кафеда ишловчи Ш.Назаровага тегишли бўлган қора рангли сумқасини ичидан 1.650.000 сўмни олиб кетганлигини, Ш.Назарованинг сумқасидан ўғирлаган пулига телефон аппарати сотиб олганлигини, ушбу телефон аппарати терговда олиб қўйилганлигини, ушбу телефон аппаратини Ш.Назаровага қайтаришни сўрашини, ҳозирда содир қилган ҳаракатларидан пушаймондалигини, оилавий шароитини, ёшини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчиларни даъвоси бўлмаганлигини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб кўрсатувлар бериб ўтди.

Жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Б.Ахмедов судда қўйдагиларни, яъни “Premium Coffee Shevchenko” МЧЖ раҳбари бўлишини, 2022 йил 11 феврал куни XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX кафега келиб, ишга олишини сўраганлигини, уни ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаганлигини, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни икки-уч кунда олиб келишини айтганлигини, уч кун синов муддати билан XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXни ишга қабул қилганлигини, 2022 йил 14 февраль кунидан 15 февраль кунига ўтар кечаси XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ётиш жойи бўлмаганлиги сабабли, кафеда қолишини айтганлигини, унга раҳми келиб кафеда қолишига руҳсат берганлигини, 2022 йил 15 февраль куни ишхонага келганида, кассадан 6.985.000 сўм ва унга тегишли бўлган телефон аппарати йўқлигини билганлигини, ҳозирда моддий зарардан воз кечишини, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга нисбатан даъвоси йўқлигини, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб кўрсатувлар бериб ўтди.



Жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ш.Назарова судда қўйдагиларни, яъни “Марварид” номли кафедра ошпаз бўлиб ишлашини, 2022 йил 12 июнь куни ишга келиб, сумкасини ошхонага қўйганлигини, сумкасини ичида 1.650.000 сўм бўлганлигини, сўнгра сумкасидан ушбу пуллар йўқлигини билганлигини, сўнгра кафедра ишловчи барчадан пули ҳақида сўраганлигини, бироқ XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX кафедран кетганлиги ҳақида билганлигини, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX унга тегшли бўлган пулга телефон аппарати сотиб олганлигини, ҳозирда XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ушбу телефон аппаратини унга берганлигини, моддий зарар қопланганлигини, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга нисбатан даъвоси йўқлигини, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган М.Зинурова судда қўйдагиларни, яъни 2022 йил 11 февраль куни XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX кафега официант сифатида иш ўрганувчиликка қабул қилганлигини, яшаш жойи бўлмаганлиги сабабли иш хонада қолишини илтимос қилганлигини, 2022 йилнинг 15 февраль куни тонгда кўриқчи қўнғироқ қилиб, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX йўқлигини, Б.Ахмедовга тегишли бўлган “Ridme 4” русумли телефон аппаратини йўқлигини айтганлигини, сўнгра ишхонага келганида, сейфда 6.985.000 сўм ҳам йўқлигини кўрганлиги кўрсатув бериб ўтди.

Суд давлат айбловчисини хулосасини, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг юқоридаги ҳолатларда жиноят содир этганликдаги айби, жабрланувчи Б.Ахмедовнинг аризаси ва тушунтириш хати /и.в. 6-7/, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадвал /и.в. 16-24/, шахсни фто-суратдан таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадвал /и.в. 31-32/, шахсни фото-суратдан таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадвал /и.в. 39-42/, жабрланувчи Ш.Назарованинг аризаси ва тушунтириш хати /и.в. 65-66/, воқеа жойини чизмаси ва унга илова қилинган фото-жадвал /и.в. 72-73/, нарсани олиш баённомаси /и.в. 80/, ҳодса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадвал /и.в. 82-92/, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва Ш.Назаровалар ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси /и.в. 108-110/, кўрсатувларни воқеа жойида текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадвал /и.в. 111-115/, кўрсатувларни воқеа жойида текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадвал /и.в. 121-128/, ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган деб топади.

Дастлабки тергов органи томонидан  
XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX томонидан

Ҳужжат имзоланган: Раҳманов Рустамжон Нуъманович, 24.08.2022



2022 йил 15 февраль куни “Premium Coffe Shevchenko” номли кафесидан 6.985.000 сўм ва Б.Аҳмедовга тегишли бўлган баҳоси 1.500.000 сўмлик “Ridme 4A” телефон аппаратларни талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми;

- 2022 йил 12 июнь куни Ш.Назаровага тегишли бўлган сўмқасининг ичидан 1.650.000 сўм ўғирлашда, ўзганинг мулкани яширин равишда такроран талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди;

Суд судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси талабларига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан жазо тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, оилавий шароитини, ёшини, жабрланувчиларни даъвоси бўлмаганлигини, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятларда содир қилганлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унинг шахсини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, содир этган қилмиши оқибатларини тушуниб етганлигини ва пушаймонлигини, жабрланувчиларни даъвоси бўлмаганлигини, қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраганлигини инобатга олиб, унга нисбатан санкция доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, тайинланаётган озодликдан маҳрум қилиш жазосини шартли деб ҳисоблаб, синов муддати белгилашни лозим топади.

Суд мазкур жиноят оқибатида жабрланувчилар даъвоси бўлмаганлигини эътиборга олади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига риоя қилиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX  
(XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX) Ўзбекистон Республикаси  
ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни  
содир этганликда айбдор деб топилсин.



XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг 2022 йил 14 июндан 2022 йил 19 август қадар 67 кун давомида қамокда сақланганлиги инобатга олинсин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, ҳукм шартли ҳисобланиб, 2 (икки) йил синов муддати белгилансин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг ҳулқи устидан назорат олиб бориш Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга синов даврида яшаш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақида ўзи яшайдиган ИИО ФМБга хабар бериш, вақти-вақти билан келиб, бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиш каби мажбуриятлар юклатилсин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга шартли ҳукмнинг талаблари бузилган тақдирда ЖКнинг 72-моддаси 6 ва 8 қисмларида юзага келадиган оқибатлар тушунтирилсин.

Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, у дарҳол суд мажлиси залида қамокдан озод қилинсин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга нисбатан танланган “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчиларни даъвоси йўқлиги эътиборга олинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланган ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида Тошкент шаҳар суди апелляция судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Мазкур муддат ўтказилиб билдирилган шикоят ва протест қўрилмасдан қолдирилади.

**Раислик қилувчи:**  
Нусха аслига тўғри.

**Р.Раҳманов**

